

ЖЎРАЕВ Улуғбек,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими
E-mail: ulugbekcity@mail.ru

ИСЛОМДА ТИНЧЛИК ТУШУНЧАСИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

ИСЛАМСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ МИРА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ЗНАЧЕНИЕ

ISLAMIC CONCEPT OF PEACE: THEORETICAL FOUNDATIONS AND SIGNIFICANCE

Аннотация: *Тинчлик тушунчаси ислом динида Яратган томонидан берилган неъмат сифатида қаралади. Бундай қараш унинг қадри юқорилигини англатган. Шунинг учун, исломда ҳар бир мусулмон кишисидан уни асраш ва ўз вақтида қадрига етиш талаб этилган. Ушбу мақолада тинчлик тушунчаси диний ва замонавий манбалардан далиллар келтириш орқали қиёсий ўрганилган. Бу борадаги маълумотлар мусулмон оламида машҳур бўлган шахсларнинг асарларини тадқиқ қилиш йўли билан келтирилади.*

Калит сўзлар: *Қуръони карим, неъмат, Имом Бухорий, Имом Муслим, хотиржамлик, “ас-Салом”, “Амман декларацияси”.*

Аннотация*: В исламе концепция мира рассматривается как бесценный дар Всевышнего, что подчеркивает его высочайшую ценность. Каждый мусульманин обязан беречь и ценить этот дар. В данной статье проводится сравнительное исследование концепции мира, основанное на аргументах из религиозных источников и современных исследований. Анализ произведений известных деятелей мусульманского мира позволяет раскрыть различные аспекты этой концепции.*

Ключевые слова*: Священный Коран, благословение, Имам Бухари, Имам Муслим, мир, «Ас-Салам», Амманская декларация.*

Abstract*: This article examines the concept of peace in Islam, highlighting its significance as a divine blessing from Allah. This understanding underscores the high value placed on peace within the Islamic tradition, obligating every Muslim to cherish and safeguard it. The article presents a comparative analysis of the concept of peace, drawing on both religious and contemporary sources. It explores the perspectives of prominent figures in the Muslim world, providing insights into their understanding and contributions to the discourse on peace.*

Keywords*: Holy Quran, blessing, Imam Bukhari, Imam Muslim, peace, “As-Salam”, Amman Declaration.*

КИРИШ

Маълумки, инсоният ҳаёти давомида турли мафкуралар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни бошидан кечирган. Бунинг оқибатида ўзаро келишмовчиликлар, нотинчликлар юзага келиб турган. Тарихга назар ташланса, ҳамма даврда ҳам тинчлик давлатнинг ривожланиши, тараққий топиши жамиятнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришига боғлиқлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда тинчлик-хотиржамлик энг улуғ неъмат экани таъкидланиб шундай дейилган: “Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У – **хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик”** [2: 8/185].

Қуръони каримнинг 50 дан зиёд сурасидаги юзлаб оятларида мусулмонлар сулҳ-муроса, тинчлик ва бағрикенгликка чақирилган. Мусулмонлар учун энг афзал амал ҳақида келган ҳадисда шундай дейилади: “**Мусулмонларнинг афзали** қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир” [2: 1/31].

Тинчлик ва хотиржамлик – илоҳий неъмат. Ҳар қандай эзгу ишлар рўёбининг боиси ҳам осойишталикдир. Шундай экан, инсонлар нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этишлари, балки унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланишлари лозим.

Аждодларимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик сабабидан миллатимиз, халқимиз шаъни, қадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон

 ISSN 2181-9572

қилинган, қатл этилган юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Халқ орасида "Қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақол бор. Ўзбек халқининг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин. Жаҳонда тинчлик бўлсин. Бу ислом динининг ҳам айни ғоясидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таоло инсонни ер юзини обод қилиш учун яратди. Инсонни Ўзига ердаги ўринбосар қилди. Ерни исён ва бузғунчилик билан вайрон қилиш, мавжудотларнинг насл-уруғини қуритишдан қаттиқ қайтарди. Бу ҳақда Қуръони каримнинг "Аъроф" сураси 56-оятида шундай дейилади: **"Ерни** (Аллоҳ хайрли ишларга) **яроқли қилиб қўйгандан кейин** (унда) **бузғунчилик қилмангиз! Унга** (Аллоҳга) **ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир"** [1: 56].

Шу билан бирга ислом динининг бирламчи манбаси Қуръони каримнинг "Бақара сураси" 204-205-оятларида ҳам инсондан бошқа мавжудотларга тажовуз қилганлар Аллоҳ таолонинг азобидан огоҳлантирилади: **"Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги "имони"га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи** (Исломга нисбатан) **душманларнинг ашаддийсидир.** (Олдингиздан) **кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни** (бузғунчиликни) **ёқтирмайди** [1: 23].

Бу борада айтиш лозимки, тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, фарзандлар эмин-эркин камолга эришади, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Демак, ислом дини дунёда ҳаётнинг бир маромда давом этиши, халқнинг Яратганнинг буюрган ишларини мукаммал ва хотиржам адо этишлари учун тинчлик ва осойишталик лозимлигини таъкидлайди. Бунда мантиқий узвийлик, яъни икки тушунчанинг бир-бирига боғлиқлиги намоён бўлмоқда. Қуръони каримда ана шу тинчликни сақлаш ва қадрлаш вазифасини инсон зиммасига юкланган, Ислом дини тинчликка тарғиб қилишини, шайтоний йўлларга эргашмаслик лозимлигини таъкидланади. Жумладан, шундай дейилади: **"Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир"** [1: 24].

Ислом инсон учун тинчлик ва омонлик динидир. Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан бири ҳам "ас-Салом" (тинчлик)дир. "Ислом" сўзи "тинчлик", "сулҳ" деган маъноларни билдиради. Қуръон нозил бўлган кеча "салом" кечаси бўлган. Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда: **"Бирор кишига мусулмонни қўрқитиш ҳалол эмас"** [3: 4/458], дейилган. Чунки қўрққан одам нотинчдир.

Халқ, айниқса, ёшлар ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунтириш ишларини олиб боришда доимо масъуллик ҳис этишилиши керак. Ислом бу талабни барчанинг муқаддас бурчи сифатида қадрланишини қўллаб-қувватлайди.

Қуръони карим ҳар қандай шаклдаги зулм – зўравонлик эканини ва у ислом ақидасига батамом зид эканини таълим беради. Шунга мувофиқ ҳеч бир мусулмон шундай жиноятни содир этиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳар бир мусулмон одамларни жиноят содир қилишдан қайтаришга Парвардигори олдида масъул ҳисобланади.

Ислом дини ер юзида ёвузлик қилмасликка буюриб, ноҳақлик, адолатсизлик, зўравонлик, одам ўлдириш, қон тўкишни тақиқлайди. **"... Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз!"** [1: 9].

Ислом дини Парвардигорнинг иродасига қарши бориб, бегуноҳ одамларни ўлдирган ва хўрлаган кимсалар дунё ҳаётида ютуққа эришамиз, деган ўйларини, қаттиқ хато эканлигини таъкидлайди. Хусусан, Қуръони каримда: **"Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ислоҳ этмагай"**, [1: 133] деган қатъий огоҳлантириш мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, одам ўлдиришга қасд қилиш исломда кечирилмас "гуноҳи азим" ҳисобланиб, гуноҳкор охиратда жаҳаннам азобларига дучор бўлиши қайд этилади. Ҳадиси шарифда: **"Қайси бир мусулмон киши иккинчи бир мусулмон биродарига тиғ кўтарса, то ўша тиғни қайтариб ўрнига қўймагунча Аллоҳнинг фаришталари унга лаънат айтиб турурлар"** [4: 8/33], – дейилган.

Бошқа бир ҳадисда: **"Мўмин кишини ҳақорат қилиш гуноҳ, у билан жанг қилмоқ эса куфрдир"**[4: 1/57], – дейилади.

Афсуски, бугунги кунда ҳам дунёнинг турли минтақаларида урушлар, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишлар, обод шаҳар-қишлоқларни вайрон қилишлар давом этмоқда. Хатарлиси, бу урушларга баъзан диний тус бериляпти.

Тинчлик тушунчасининг аҳамияти ҳатто замонавий ислом олами ҳужжатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу борада, 2004 йилда Иордания Ҳошимийлар султонлиги қироли Абдуллоҳ II ташаббуси билан экстремизм ва мутаассибликни инкор қилиш, бағрикенгликни тараннум қилишга қаратилган "Амман декларацияси" қабул қилингани эътиборга лойиқдир. Сабаби, мазкур ҳужжат билан дунёнинг энг нуфузли олимлари томонидан исломнинг тинчлик дини эканлиги, радикализм ва экстремизмни қоралашга қаратилган халқаро якдиллик нишонаси сифатида эътироф қилинди.

Амман декларацияси дунёнинг 84 та давлатидан 549 та дин соҳаси олимлари ва давлат арбоблари томонидан тасдиқланган. Ҳужжатнинг асосий қисмида мусулмон умматига қаратилган шундай хитоб келтирилади: "*Ислом бошқа самовий динлар сингари ҳар қандай вайронкорлик ғояларини қоралайди. Ушбу иллатлар қабул қилинмайдиган адолатсизлик қарашларига йўғрилган. Мазкур тушунчалар алоҳида дин ёки миллатни тавсифламайди, балки улар ҳар бир миллат бошидан кечирган талофат сифатида кўрилади. Биз экстремизм, радикализм ва мутаассибликни аввалги ота-боболаримиз сингари тўлиқ қоралаймиз ҳамда улар каби унга қарши курашамиз. Улуғ аждодларимиз ҳам биз сингари муносабатда бўлганлар. Улар исломни мақсад ва воситаларда фақат инсонийлик туйғуларининг улуғланиши, одамларнинг манфаати йўлидаги хизматнинг юксак намунаси сифатида қабул қилдилар ва бизга ўрнак бўлдилар*" [5: 10].

Замонамизнинг етук олимлари ҳам тинчлик тушунчасини эътироф қилган ҳолда бугунги кун ёшларини такрор-такрор огоҳлантираётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Миср Араб Республикаси Бош имоми, "ал-Азҳар" диний мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб: "Ислом динида инсонлар билан мулоқотда тинчлик асосий ўринда туради. Агар қаердадир дин қон тўкиш ва тажовузкорликни оқлаётганини эшитиб қолсангиз, билингки, бу каззобларнинг сўзи" [7:1], деган эдилар.

Ғарб мутафаккир олимларидан бўлган Томас Карлайл замонда тинчликни йўқ қиладиган нарса қўзғолон ва инқилобларни ҳам сабабчи қилиб, орзу қилинган ҳамма нарсага эришишда ундай йўллардан фойдаланмасликка чақирган ушбу сўзларини эслаш кифоя: "Ҳар қандай инқилобни хаёлпарастлар ўйлаб топишади, ақидапарастлар амалга оширадилар ва ўта ярамаслар унинг меваларидан фойдаланадилар" [6: 15].

ХУЛОСА

Исломда ҳатто ҳайвонларга ҳам раҳм-шафқат қилишга буюрилган. Бу мавзуда бир нечта ҳадислар ривоят қилинган. Масалан, чанқаган итга шафқат кўрсатиб, қудуқдан сув олиб чиқиб берган кишининг гуноҳларини Аллоҳ таоло кечиргани ривоят қилинган (Имом Бухорий ривояти). Саҳобалар сафарда чумчуққа ўхшаган қушнинг палапонларини олиб қўйишганда, Пайғамбар (а.с.) палапонларни қайтариб ўз жойига қўйишни буюрганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Шундай қилиб, хулоса ўрнида айтиш лозимки, тинчлик тушунчаси ислом динида неъмат сифатида қаралган бўлиб, унга нисбатан Аллоҳга шукур қилиш асосий талаб ва барчанинг зиммасидаги мажбурият эканлиги айтилади. Бу борада диний манбалар ва замонавий олимларнинг хулосалари якдил ҳисобланади. Тинчлик борасидаги назарий қарашлар ва талабларнинг боғлиқлиги замирида ҳар бир мусулмон кишисига уни асраш авайлаш ҳамда келажак авлодга етказишга тарғиб қилинаётганини англаш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Сано стандарт, 2021.
2. Олтин силсила. 8-жуз. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2021.
3. Китоб Аби Довуд маа шарҳиҳа Авн ал-Маъбуд. – Деҳли: "Ҳиндистон" нашриёти, 1916.
4. Саҳиҳи Муслим. – Туркия: "ал-Амира" нашриёти, 1917.
5. Томас Карлейл. Француз инқилоби: тарихи (The French Revolution: A History). – Лондон, 1837.
6. Amman Message. The Royal Aal al-bayt institute for islamic thought. – Jordan, 2009. – P. 10.
7. https://www.azhar.eg/details/ArtMID/821/ArticleID/54051/ – Ахборот ресурси (2021 йил 13 мартдаги жойланган маълумот асосида).

ISSN 2181-9572